


**БИРАТТИ
УСТУН**



ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов маълакатимиз ҳақида мақола тайёрлаш учун юртимизда меҳмон бўлиб турган Американинг «Инститюшнел» журнали журналистлари Мишель Луис Эри ва Бен Айресни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Сўхбат чоғида Президент республикамизнинг ютуқлари ва истиқболлари ҳақидаги, шунингдек бошқа саволларга батафсил жавоб берди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари У. Сўлтонов иштирок этди.

ХИТОЙДАН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Қашқадарё вилояти «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасига Хитой Халқ Республикасидан навбатдаги инсонпарварлик ёрдами ортилган юклар келиб тушди. Хитойдан юборилган ёрдам тиббиётга оид ашёлар, дори-дармонлардан иборат бўлиб, шифохоналарга, кам таъминланган оилаларга, мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига ажратилди.

МОЛДОВАЛИКЛАР СОВФАСИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги болалар уйига Молдованинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимларининг рафиқаларини таъриф буюришди. Улар Кишинёвдаги «Стяга» ҳиссадорлик бирлашмаси номидан болаларга 20 минг сумлик кийим-кечаклар совға қилдилар.

ЯНГИ СУПЕРМАРКЕТ

Яқинда Тошкентда «Шарқ Мир ЛТД» қўшма корхонасининг «Мир» супермаркети очилди. Пойтахтимиз аҳоли ва меҳмонлари учун яратилган ушбу қўлайлик «Шарқ» матбаа-ношirluk коптерни ва Туркиянинг «Демир» фирмаси ҳамкорлигининг ҳосиласидир.

ЖИЗЗАХ ПИЁЛАСИ

Рузгорбон идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган маъсулияти чекланган «Алишер» жамияти маҳсулотларини бугун Жиззахликларга манзур бўлмоқда. Чунки Тошкент чинии заводи маҳсулотларидан қилин майдиган бу идишлар ҳар бир хонадон кўрகига айланган.

Корхона аъзолари ушбу йилда бир миллион сумликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришни муважжатлаб турибди.

Ўз ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Яхмалак отасан шодон, қийқириб,
Овозинг жаранглар биллурий боғда.
Қизим, болаликнинг фаслига кириб,
Илк бора яхмалак отдинг шу чоғда.
Илк бор ҳаётингда қор сайлидир бу,
Изингдан шуъладек югурар кўзим.
Қўрқма полапоним, чекмагил қайғу,
Йиқилсанг турғизиб қўяман ўзим.

Оппоқ қор қўйнида нуроний олам,
Қучоғи бувингнинг бағридек юмшоқ.
Яйраб қол шу мунис оғушда, эркам,
Ёруғ дунё сенга қучоқ очган чоқ.
Яйраб қол, майли, шу кумуш майдонда,
Яйраб қол чойшабин йиққунча фалак...

(Абдулла Ориповнинг «Яхмалак» шеъридан)



УШБУ
СОҲДА:

4-БЕТ
ЖОНУ
ЖИГАРЛИК
БУРЧЛАРИ

7-БЕТ
«БИЗГА НЕ
БЎЛДИ»

(Актёр
Эркин
Комилов

билан
сўхбат)

8-БЕТ
ФИТНАГАР
АЁЛЛАР



1. Мутахассисларнинг фикрича, уз вақтида эмламаслик натижасида янги туғилган чақалоқларнинг 100 тадан 3 таси қизамиқ, қоқшол ва кукйутал касаллиги билан бевақт оламдан куз юмар экан. Маълумки, болаларда эмлаш жараёни укол ёки таблетка қабул қилиш ёрдамида амалга оширилади. Эмлаш касалликларга қарши курашга заиф бўлган ёш организмда сунъий иммунитет ҳосил қилади.

Онанинг кукрак сути, айниқса оғиз сути гудакни турли хил касалликлардан асровчи қушимча, табиий восита саналади.

2. Эмлаш бола ҳаётининг биринчи икки йиллигида тула амалга оширилиши лозим. Бу жараён қанча эрта тугалланса, шунча яхши. Чунки дунё бўйича болалар улимнинг ярми кукйуталдан, чорак қисми қизамиқдан бўлиб, кукроқ бир ёшгача бўлган болаларда учраган.

Гудакда икки ёшгача 7 та инфекцияга қарши 12 та эмлаш ўтказилишини ота-она би-

лиши керак. Бу эмлашларнинг 6 таси укол, 6 таси дори сифатида қабул қилинади.

Гудак 3 ойлик бўлганида дифтерия, кукйутал ва қоқшолга қарши биринчи эмлаш амалга оширилади. Худди ана шу даврда полиомиелитга қарши эмлаш ҳам ўтказилади.

9 ойлигидан бошлаб эса болани қизамиққа қарши эмласа бўлади. Сабаби, янги туғилган чақалоққа она организми орқали қизамиққа қарши иммунитет ўтади. Натижада табиий ҳимоя ёш организмнинг илк фаолиятида сунъий иммунитетга урин қолдирмайди. Бу табиий иммунитет эса аста-секин кучсизлана боради. Ва бола организми 9 ойлигидан эмлашга муҳтожлик сезади.

3. Гоҳида эмлаш ўтказилмаган кун ота-она боласининг шамоллаганини ёки бошқа бир арзимаган касаллигини рўқач қилиб, уни эмлатишдан бош тортади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, касал болаларни эмлаш ҳеч қандай хавф тугдирмайди. Агар касал бола эмлатилгандан сўнг унинг безовталиги 3 кундан ортиқ давом этиб, аҳоли ёмонлаша шифокорга мурожаат қилиш мумкин.

• Буни ҳар бир оила билиши керак

БОЛАЛАР ҚАНДАЙ ЭМЛАНАДИ?

4. Куйидаги жадвал болани аниқ уз вақтида эмлашга ёрдам беради.

Ёш	Эмлаш
4-7 кунлик	Туберкулёзга қарши вакцинация
3 ойлик	Полиомиелит, дифтерия, кукйутал, қоқшол (АКДС)га қарши биринчи вакцинация
4,5 ойлик	Полиомиелит, дифтерия, кукйутал, қоқшолга қарши иккинчи вакцинация
6 ойлик	Полиомиелит, дифтерия, кукйутал, қоқшолга қарши учинчи вакцинация
1 ёш	Кизамиққа қарши
1 ёш-у, 2 ойлик	Полиомиелитга қарши биринчи вакцинация (1-босқич)
1 ёш-у, 3,5 ойлик	Полиомиелитга қарши иккинчи вакцинация (2-босқич)
1,5 ёш	Эпидемик паротитга қарши вакцинация
2 ёш	Дифтерия, кукйутал, қоқшол (АКДС) га қарши 1-ревакцинация
2 ёш-у, 2 ойлик	Полиомиелитга қарши 2-ревакцинация (1-босқич)
2 ёш-у, 3,5 ойлик	Полиомиелитга қарши 2-ревакцинация (2-босқич)



давор аёлларини ёшасига ултраовуш текширувидан ўтказилишига ҳаракат қилмоқдамиз. Ултраовуш текшируви эса она ва ҳомила вужуди учун мушароф бозар бўлиб, бундай текширишлардан қочиб юриш фақат зиён келтиради. Текширув воситасида бачадонда ҳо-

ва унинг зарарли таъсирини камайтириш мақсадида нималар қилинмоқда?

— Дарҳақиқат, меъерини билмай ишлатилса, ҳар қандай тиббий восита ҳам зарар келтиради. Флюорография текширишлари организмнинг жуда кам нурланиши-

• Туркистон бир — Ватан бир

ДЎСТЛИК

КЎПРИКЛАРИ

Бош Вазирнинг биринчи уринбосари Нигматжон Исингарин бошлқ ҳукумат делегациясининг Японияга ташрифи чоғида Қозоғистон учун фойдалани бир қатор битимлар имзоланди. Жумладан, Семи-палатинск шаҳрида Иртиш дарёси устига кукрик қурилиши, Алмати темир йулининг Дружба-Оқтуқай аэровокзасини кенгайтириш учун Япониянинг имтиёзли қарз бериши кузда тугилмоқда.

ГОСТ

ТАЛАБЛАРИГА МОС

Шинжон Уйғур автоном республикаси чегараолди савдо компанияси раиси жаноб Фен Цзюн Ся «Бишкек оқшоми» газетасида Урумчидан Қирғизистонга келтирилётган бензиннинг сифатсиз эканлиги ҳақида чоп этилган мақолани бўхтондон бошқа нарсас эмас, деб баҳолади. Шу кунгача 2,5 минг тоннага яқин бензин етказиб берилди ва у Қирғизистон давлат стандарти (ГОСТ) талабларига тулиқ жавоб беради.

ФРАНКУЗ

ҚУРУВЧИЛАРИ

ТУРКМЕНИСТОНДА

Туркманбоши Сапармурот Ниёзов самолёт ва вертолёт қунадиган майдончалари бўлган Президент саройи қурилишини машҳур француз қурилиш компанияси «Bouygues»га ишониб топширди. Мамлакат мустақиллиги кунини Гўк Тенада очилган маҷитни ҳам айнан мана шу компания қурувчилари бунёд этишган эди.

АЛДАГАН БОШҚАЛАР,

ЖАВОБГАР ДАВЛАТ

Қирғизистон Республикаси Президентининг Фармонида қура, аҳолига бир қатор ҳуқуқий шахслар, яъни фирмалар томонидан етказилган моддий зарарни давлат ҳусусийлаштириш купонлари билан қоплашни уз зиммасига олди. «Арсенал», «Кроун», «Рай» каби фирма ва компаниялар аҳолига катта фойзли фойдалар ваъда этиб пул тулаб олгач, сувга чўккан тошдек ғойиб бўлишди. «Одил» номли Қирғизистон-Швейцария қушма тижорат банки эса миқозларидан нақ 92 миллион 956 минг сом қарз бўлиб қолган. Энди уларнинг миқозлари олдидаги мажбуриятларни давлат уз бўйнига олади.

МДХДА ЯГОНА

Бугун кунда Қозоғистонда 100 дан ортиқ миллий маданий марказлар, театр ва ансамбллар фаолият кўрсатмоқда. Декабр ойи бошларида эса нафақат Қозоғистонда, балки бутун МДХда ягона бўлган немис миллий театри муҳлисларига уз эшикларини очди.

ИМТИЁЗЛИ ҚАРЗЛАР

Ҳар йили Қирғизистон Жаҳон банки, Халқаро Валюта жағфармаси ва бошқа донор мамлакатлардан 200-220 миллион доллар қарз олади. Унинг тенг ярми бюджет ташкилотлари, жумладан маориф, тиббиёт соҳаларини қўллаб-қувватлашга сарфланмоқда.

• Баркамол авлод учун

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотларига қура, бутунги кунда курайдиган заминимизда нур ва тўвуш гулқинлари воситасида 70 фоизга яқин хасталикларнинг ташқиси қуйилмоқда, 10 фоиздан ортиқ беморлар эса айнан шу воситалар билан даволанишмоқда. Агар биргина сил касали билан дунё бўйича йилга 6 млн атрофида одамлар хасталаниши ва уни ташқислашда асосан нурнинг аҳамияти беқисслитидан хабар топсак, сўзимиз ростлигига яна бир қарар амин бўламиз.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, мазкур муаммолар ечимига оид бир қанча саволлар билан республикамиздаги йирик мутахассислардан бири, Тошкент Медицина Педиатрия Институтининг нур билан даволаш ва ташқислаш кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор Талъат Мирзаевич Мирзаевич мурожаат қилиди.

— Талъат ака, келажакимиз эгаларини ҳар тарафлама баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом қилиб вояга етказишда нималарга эътибор бериш керак?

— Авваламбор, авлоднинг қусур ва нуқсонлардан ҳоли, комил инсон қилиб яратиш аҳолининг еппасига соғломлаштириш каби улкан дастурнинг узвий бир қисми бўлмоғи лозим. Шуларни эътиборга олган ҳолда биз ҳам кафедрамиз ходимлари билан бирга улкан мақсадлар йўлида ҳолисона хизмат қилиб келмоқдамиз. Жумладан, аҳолининг еппасига флюорография текширувларидан ўтказиш

билан оғир хасталикларни илк босқичларидаёқ аниқлаб, беморларнинг тегишли даво масканларига уз вақтида тутишларига эришмоқдамиз. Ултраовуш тулқинлари воситасида эса, аксарият ҳолда яширин, белгисиз кечиб, оғир оқибатларга олиб келувчи ўт пуфатининг ялғиланиши, жигар қурилиши, уттош ва бўйрак-тош хасталикларини, аъзо ва тизимлар ривожланишининг тугма нуқсонлари, ёмон сифатли усмалар уз вақтида аниқлашиб, тегишли чоралар қурилимоқда. Умуман, ҳозирги кунда табобатнинг бирор жаҳаси йўқки, бизнинг хизматимиздан фойдаланмасан...

— Ҳали бола дунёга келмасидан, ҳомилигидаёқ нур билан хасталикларини аниқлаш имкони бўладими?

НУР ЁРДАМИДА ДАВОЛАШ

— Табобатнинг энг олий мудидаларидан бири ҳам айнан мана шулар. Агар бутунги кунда болалар шифохоналарида ҳар бир беморга бир кунда, касаллигига қараб, 600 сумдан 1200 сумгача сарфланаётганлигини эътиборга олсак, бу йўналишда давлатимизга ниҳоятда улкан иқтисодий самаралорлик беришга амин бўламиз. Фақатгина соғлом оналардан беқусур зурриел дунёга келди. Шуларни эътиборга олиб аёллар маслаҳатлари, поликлиникалар, тугруқхоналар билан келишган ҳолда ҳоми-

миланинг қай ҳолатда жойлашганлиги, жинси, аъзо ва тизимлар тараққиётининг норасоликларига тез ва ғориксиз аниқланади. Агар ҳомила тескари еки қундаланг жойлашган бўлса, бундай ҳомиладорлар фақат ихтисослаштирилган махсус тугруқхоналарда кузи ериши лозим. Янашага лаекатсиз, ниҳоятда оғир тугма нуқсонлар аниқланган ҳолларда ҳомиладорларга аборт (исқот) тавсия қилинади. Бу билан она келажакка бир неча йиллаб азоб чекиш даридан қутқарилади.

Кафедрамиз ходимлари томонидан ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар шунини кўрсатадики, зурриелнинг нуқсонларини аниқлаш ҳомила еки гудак ҳаётининг маълум давридагина туғри ҳудоса беради. Жумладан, сунгги йилларда кукроқ қайд этилаётган сон сўягининг тугма чиққиси хасталиги бола фақат олти ойлик бўлгандагина рентген воситасида аниқланади. Бу мудидага етмай рентген текширувларини ўтказиш эса беморнинг беҳуда нурланишига сабаб бўлади.

— Халқ орасида рентген нурларининг зиёни ҳақида турли гаплар юради. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин,

га сабаб бўлади. Шунинг учун аҳолини еппасига қуриқдан ўтказиш режални равишда қўлланилади. Жинсий безлар ва қон ишлаб чиқувчи аъзолар эса рентген нурларига ниҳоятда сезгир бўлиб, уни бот-бот қўллаш бу аъзолар фаолиятини издан чиқаради. Сунгги йилларда нурланиш даражасини бир неча юз баробар камайтириб, рентген тасвирини кучайтириш асбобини (УРИ) амалиётимизда кент қўлламоқдамиз.

— Нур ва тулқин воситасида асосан қайси хасталикларни даволаш мумкин?

— Кафедрамиз ходимлари томонидан болалардаги турли хил усма хасталикларини нур билан даволаш яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, узоқ вақт битмай етган жароҳатларнинг йирингли ялғиланиш хасталикларини ҳам нур воситасида барҳам топиши мумкин. Албатта, мазкур даволаш усули кимеий дори-дармонлар, жарроҳлик муолажаси билан уйғунлаштирилган ҳолда ўтказилгани маъқул.

Алижон ЗОХИДИЙ
сухбатлашди

Бу ажиб дунё

МЎЙЛОВЛАР БАҲСИ

Флорида штатидаги Орландо шаҳрида «Денгиз олами юлдузлари» танлови ўтказилди. Жюри аъзолари «Эл Кордовскийнинг мўйлови чиройлими ёки унинг Уолли лақабли моржнинг мўйлови?» деган савол устида узоқ бош қотиришди. Охири-оқибат Уоллининг мўйлови энг чиройли ва бетакрор деб топилди ҳамда бош соврин унга топширилди.

• Сиз севган санъаткор

Хаётда одамнинг эсида қолади-ган воқеалар унчалик кўп бўлмайди. Дейлики, мен йигирма бешга кирдим. Аммо, шунча йил ичида мен эслайдиган ёрқин хотиралар жуда озчилик. Эҳтимол менда шундайди... Ҳар ҳолда мени ҳозиргача изтиробга соладиган хотиралар уч-тўртта.

Мана, унинг биттаси: Узоқ йиллари кишлоғимизда бир момо бўларди. Биз у пайтлари кичкина бола эдик. Момо бир ўзи ёлғиз яшагани учун кун бўйи бизникида ўтирарди. Бир кун телевизор куриб ўтириб, момо ёмон йиғлади. Хўнграб-хўнграб, елкалари силкиниб-силкиниб йиғлади. «Ҳе, замоннингга ўт кетсин-ей» дея ўқиниб-ўқиниб йиғлади. Мен ўшанда ҳайрон қолган эдим. Мен катта одамларнинг йиғлашини биринчи куришим эди. Катта одамлар йиғламайди, уларни йиғлатадиган нарсаси йўқ, деб уйлардим мен. Лекин улар йиғласа ёмон йиғлар экан. Улар йиғласа овутиб бўлмас экан.

Ушанда момо «Гирдобни» куриб, Азизнинг ҳолига ачиниб йиғлаган экан. Буни кўп кейин билдим. Отамиз, онамиз «Куйинг момо, бу кино, артистлар уйнапти буни» деб овутишларда тўхтамай ўқиб-ўқиб йиғлаган экан бечора.

Энди-энди момони эслайман. Ҳай, момо, моможон. Сизнинг ҳайратингиз, изтиробингиз нимадан эди. Бунчалик кўнгли оқликни, покдомонликни қаердан олгандингиз, моможон — дейман. Ана у одамни кўринг. Онаси уландаям йиғламади. Кўзидан ёш чиқмади, моможон — дейман.

Эркин Комилов билан суҳбатлашиш жараёнида шу гапларни айтиш келди. Лекин айтмайдим. Қалбимнинг бир бурчида ётган бу изтиробни қузим қиймади. Айтсам шунчаки расмийчилик, кўнгли учун айтаяпти, деб қулиб қуяди деб истихоло қилдим. У билан илк учрашувимиз «Қатагон» спектаклининг премьераси кўни бўлди. Уша кўни у жуда ёмон одам родини (қизил империя қонқуралидан бири) уйнади. Бир ҳаёлим учрашмай кетворсамми, дедим. Яна ваъдани уйладим. Хуллас, Премерадан сўнг унинг пардозхонаси эшигини тақиллатдим. Кириш, деди ичкаридан. Кирсам, умуман бошқа одам. Шу қадар жикқа терга ботгани, танимаган одам уни ҳозир росса кетмон қопибди-да деб ўйлаши мумкин эди. Эркин акага шунга айтсам кулади, рол ижро этиш сизнингча осонми дейди, норозинамо оҳангда... Кейин Эркин ака муҳарририятимизга ҳам бир неча бор таширғи буюрдилар. Суҳбатлашиб ўтириб у менда бошқача таассурот уйғотди. Режиссёрларингиз саволлар шу жараёнда барчаси яроқсизга чиқди. Мен унга зимдан разм соламан. У гоҳ тўлқинланиб, гоҳ маъносиз сузлайди. Мен кузатиб-кузатиб айтманки, унинг бизга ухшамайдиган томонлари кўп. Айниқса қўллари. Булиқ-булиқ сертомир қўллар. Бундай қўллар кўп нарсаси қодир бўлади. Эҳтимол, Буюк бир мусаввир ёки муғанининг қўллари шундайди. Лекин у меникидан кескин фарқ қилади...

Биз актёр билан узоқ гурунглашдик. Аввалига суҳбат унчалик қовушмади. Кейин уз-ўзидан жонланиб, табиий бир тус олди.

х х х

— Эркин ака, ўзингизни катта актёр, деб уйлaysизми?

— Бундай уйга бормаганман.

— Ҳеч бўлмаса, ёлғиз қолганимизда «Мен шунча рол уйнадим, озми-кўпми танилдим. Лекин барибир нимадир камлик қияпти» деган уй ҳаёлингиздан кечмаганми?

— Худого шукрки, мен худбин эмасман. Қолаверса, неки яратган бўлсам, барчаси ўзига хос баҳо-

БИЗНИНГ ШАРҲ. 1946 йил Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Курфа» кишлоғида туғилган. М. Уйғур номидаги Санъат институтини таълимлаган. Бугунгача театр саҳнасида юздан ортиқ образ яратиб халқ меҳрини қозонган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони соҳиби. Олти фарзанднинг отаси.

ланди. Эл орасида «Эркин Комилов» бўлиб танилдим, шунинг ўзи менга катта гап. Ва яна айтишим мумкинки, театр мен учун ҳаводек гап. Балки, мен театрсиз ҳам кунимни куриб кетишим мумкиндир, лекин барибир ушай олмасам керак, деб уйлайман.

— Дейлики, сизни бегона бир аёл қаттиқ севади. Беҳосдан шунга сезсангиз ўзингиздан фахрланасизми?

— Нима десам экан? Очиги ҳеч бу ҳақда уйлаб қурмаган эканман. Балки, фахрлансам керак. Йўқ, йўқ, фахр... (очилиб кулади).

— Қийналаётган бўлсангиз янаям соддалаштирамиз. («саволларингиз терговчиникига ўхшаб кетаяпти», деб кулади Эркин ака). Автобусда аёл киши билан ёнма-ён ўтириб кетаяпти. Аёлнинг ҳолати шундайки, у изтироб чекапти. Ёноқларида, қўзларида ўзгариш қурсангиз бу шахсан мен тўғайли бўляпти деган ҳаёлга борасизми?

Эркин КОМИЛОВ:

«БИЗГА НЕ БЎЛДИ»

— Яқин орада бундақа ҳодиса бўлганлигини эслолмайман. Аммо болалик, турғирроғи студентлик пайтларимизда шунга ўхшаш воқеа бўлган. Болалигимда қўшни кишлоқлик бир қизни жуда қаттиқ севганман. Хат ёзишиб турардик. Битта мактабда ўқирдик. Ишлайдиган даламизам бир эди. Хуллас, бир-биримизга боғланиб қолган эдик. Лекин тақдир экан йўллар бошқа-бошқа тушди. Орадан анча йил ўтиб шу қиз билан кишлоқларимизни боғловчи қўриқ устида туғрима-туғри келиб қолдик. Лекин иккалаимиз ҳам бир суз дедилмадик. Шунангки ҳаяжон босадикки одамни... Кўп вақт қийналиб юрдим...

— Биринчи уйнаган ролингизни эслай оласизми?

— Жуда яхши эслайман. Авазни, «Йулчи юлдуз»даги Аваз родини уйнаганман. Раҳматли Тошхўжа Хўжаев деган ажойиб режиссёр буларди. Уша киши менга шу ролни топшириб «агар яхши уйнасангиз театрда қолсан, бўлмаса кишлоғингизга қайтиб кетаверасан» дегандилар...

— Ролни қиймига етказгунча қийналган бўлсангиз керак?

— Ҳа, қийинчилик бўлди. Биринчи рол. Яна Ҳамза театри. Бунинг устига Аваз туркман йигити. Туркманча гапириш керак...

— Туркманчани қандай ўргандингиз?

— Тулиқ ўргандим дедилмайман. Лекин анча ўзлаштирдим. Рол берилган кўни «Чорсу»га тушдим. Қарасам, узун қўйлақ кийган бир аёл турибди. «Хойна-хой шу туркман бўлса керак» деган уйда ёнига бордим. У ёқдан-бу ёқдан гапирдим. Орада опанинг эри келиб қолди. Мени куриб аввалига «тегажоглик қияпти», деб уйлади шекилли ранги ўзгарди. Мақсадимни тушунтиргандан сўнгги на чехраси ёришди. Бахонидил ёрдам беришини айтди. Шундай қилиб бир неча кун улар жойлашган «Тошкент» меҳмонхонасига қатнадим.

— Ўзингизга энг ёқадигани қайси ролингиз?

— Энди, униси яхши, буниси ёмон деб айтолмайман. Ҳаммасига ҳам меҳ-



натим синган. Лекин мени элга танитган ролни айтишим мумкин. Бу: Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» асаридagi Азиз образи.

— Эркин ака энди бир гап. Лекин олдиндан айтиб қўяйки, бу менинг шахсий фикрим. Санъат, шу жумладан адабиёт ҳам, театр ҳам бир ерда қотиб турмайди. У мунтазам равишда ўзгариб, янгиланиб боради. Масалан, адабиётимизда «70-йиллар авлоди», «80-йиллар авлоди» деган атамалар бор. Ва ушбулар бекорга пайдо бўлмаган. Бу авлодларга мансуб ижодкорлар насрда ҳам, назмда

дими. Яқинда яна «Болаларимни ўзимга қайтар» филмида бош ролни ижро этдим. Бу филмларнинг кўпчилиги кинотеатрларда қуйилди. Фақат ҳали телевизорларда чиққани йўқ.

— Раҳматли умр йўлдошингиз, истеъдодли актриса Муътабар опа ҳақида хотираларингиз?

— Уни уйлсам ҳозирам ичимдан нимадир ўзилиб кетгандек бўлаверади. Гоҳ-гоҳида «Эй, худойим, шунга умрини қисқа қил-гунча майли, тилини заҳар қилиб яратмайсаними, мен рози эдим бир умр азобланишга» деб нола қиламан...

— Ҳозир.. нима десам экан?..

— Ёлғизимиз демокчисиз, туғри англадимми?

— Ҳа, ҳа...

— Уйландим. Ўшдан. Онаминг энг яқин дугонасининг қизи Мавлудохон... Ҳозир болаларга бош бўлиб ўтирибди.

— Эркин ака, халқ орасида артист халқи сал... енгилроқ бўлади, деган гаплар юради?..

— Дустим, энди, санъаткорнинг тўпроғи енгилроқ бўлади. Кейин у ҳар доим халқнинг назарида. Бундан анча йил илгари қизик бир воқеа бўлган эди. Сиз эслай оласизми, йўқми, илгари «Ҳамза» театрининг олдида узун ярмарка бўлар эди. Уша йиллари синглимни узатамиз деган йиллар, синглимни эргаштириб ўл-бўл нарсаси харид қилиш умидида ярмарка ораладик. Эртаси кўни эса худди шу ердан оилам билан ўтдим. Ўшанда бир сотувчининг «Бу актёр халқи жуда галати халқда. Ке-ча биттаси билан юрганди, мана бугун бошқасини етаклаб юрибди», деганини аниқ эшитдим.

— Болалигингиздаги энг ширин хотиралардан бирини эслай оласизми?

— Адашмасам беш-олти яшар бола эдим. Кишлоғимизда Темурхон ака (ҳозир ҳам ҳаётлар), раҳматли Тоҳир ака деган одамлар бўлишарди. Кишлоқда тўй бўлса, уйга чиқишиб, «Қори ака (дадам раҳматли эски илмдан ҳам, янгисидан ҳам пухта хабари бор, зийли одам эдилар), шу ўлгингизни ярим соатга тўйга олиб чиқиб кел-сак» деб сураб чиқишарди. Кейин бизни тўйга обориб танчани устига ўтиргизардида «Қани бошла, азамат» дерди. Мен «Боланг келди» деган ашулани айтардим. Одамлар жим ўтириб тинглашарди...

— Қандай орзуларингиз бор?

— Энг катта орзуим — Шоҳ Эдипни уйнамоқчиман.

— Газетхонларга қандай истакларингиз бор?

— Ҳаммалари соғ-саломат бўлсинлар. Барча юртдошларимни яқинлашиб келаятган Янги 1996 йил билан қизгин кутлайман.

Суҳбатни Ўрол СОДИҚ тайёрлади

ФИЗИКАЛАР АЁЛЛАР

«Макри зан сад реша дорад,
Фалак аз вай андеша дорад».

Башарият тарихига бир назар ташла-
сак, шахслар, уруғлар, қабилалар урта-
сида пайдо бўладиган, одамлар бошига
огир ташвиш, кулфатлар соладиган акса-
рият зиддиятлар, киргин-баротларнинг
асосий сабаби аёллар «фаолияти» га бо-
риб тақалади.

Шайтон восвос қилган, ёлғиз узига-
на шохона ҳаёт истаган, худбинлик, та-
каббурлик шаробини энг ширин неъмат
деб билган замоннинг купгина аёллари
уз давраларидаги иқтисодий, ижтимоий-
сиёсий ҳаётга, муҳитга таъсир утказиб,
жамият тараққиёти йулларини ҳам узгар-
тириб юборганлар.

Худонинг ўзи асрасин. Биз юқоридаги
фикрларни уртага ташлаш билан жаҳон
аёлларини батамом ёмонотлиқ қилмоқчи
эмасмиз. Қўзларимизнинг нури, дилла-
римизнинг қўри бўлиш уларнинг номи-
ни қоралаб, покиза муҳаббатю оташ қу-
лларига шубҳа сояларини туширмоқчи
эмасмиз. Туронзаминнинг улуг саркарда-
си Тумарис онамизни, Испан қиролчаси
Изабелла, арман маликаси Тамара, Бо-
бир Мирзонинг суякли қизи Гулбадан бе-
гим, муҳаббат ва садоқат рамзи Ширину
Кумушларга ҳурматимиз чексиз.

Бугун мустақил юртимизнинг турли гу-
шаларида хизмат қилиб, унинг моддий
ва маънавий бойликларини яратётган
меҳри қайноқ аёлларимизга, илм олами-
нинг қўшларига санъат осмонининг юл-
дузларига таъзим қиламиз...

Аммо уз ҳузур-ҳаловатини ўйлаб умр
йўлдоши, фарзанди, невараси, муҳабба-
тини қатл қилганлар, ватанини огир қу-
ларда уз ҳимоячиларидан айирган фит-
нагар аёллар... Уларнинг макри, фитна-
лари сабабини билиш фойдадан ҳоли бўл-
маса керак, назаримда.

Барча элат, миллат, мамлакатларда юз
берадиган аёллар макри, хиёнатининг
умумий мазмуни бир-бирига жуда яқин:
эрга хиёнат, рақиб саркардасига жазман-
лик, унга етиш учун она юрт манфаатла-
рини оёқ ости қилиш, олтинга, бойликка
учиш ва ҳоказо. Келинг, эрамизда аввал
Туронзаминда кечган бир манзарани куз
унгимизга келтирайлик: ёғий Она юртга
бостириб кирди. У шундай кучлики, жа-
ҳоннинг қарийб барча саркардалари ун-

га тенг келолмадилар ва тўғларини уни-
нг пойи остига ташлашга мажбур бўлди-
лар. Бу Искандар эди.

Аммо Турон мамлакатининг шерлари-
га дуч келган жаҳонгир уларни юзма-юз
жангда енга олмаслигига кузи етди. Шу-
нинг учун у йўлбарсдек маҳоватли, қоп-
лондек чаққон Спитаменга қарши хуфия,
айғоқчилар тайёрлаб, уни енгил йўлини
излади. Спитаменнинг молу дунёга ўч,
сотқин қайнотаси юнон босқинчисига жу-
да қўл келди: жаҳонгир ундан ва унинг
хизматкорларидан уз тубан ниятини амал-
га ошириш учун фойдаланди.

Зарада (Явдат Илёсов: «Сугдиёна»)
отасининг қони жушарди: унинг Спита-
менга бўлган туйғуларни, «муҳаббатни» ҳа-
ққий эмасди. У Она юртни юнон бос-
қинчиларидан қутқариш учун заҳмат че-
киб курашётган саркардадан, унинг таш-
вишларидан уз роҳатини пеш кўрди. Шу
боис у отаси юборган айғоқчиларга қу-
шилди. Эрининг бошини олтин лаганга
солиб уша пайтлар Марокандда (Самар-
қандда) базму жамшид қилиб ўтирган Ис-
кандарга тақдим этди. У Искандардан ўзи
учун нима кутганди. Унинг очқуз, палид
бир хизматқорига хотин бўлишними? Оқи-
бати нимага олиб келди? Она заминга,
ўзининг содиқ эрига хиёнат қилган хотин
кун кўрармиди? Охири Македония куча-
ларидаги партовхоналарда ҳовлилардан
чиқариб ташланган қолдиқ нарсаларни еб
умри тугади.

Бундай сотқинларнинг ишлари айниқ-
са юрт бошига ташвиш тушган даamlарда
кузга яққол ташланиб қолади. Явдат Иле-
сов узининг «Лаънати бева» романида
худди ана шундай манзараларнинг бири-
ни акс эттиради. Чингиз малаҳлари Хо-
разм ерларини босиб олаётган даврда
муғул саркардаларидан бири Урда—Эчен-
га ошиқ бўлган Гулдурсин рақиб армия-
сига киргин келтираётган эрига заҳар бе-
ради. Аммо ўзи мақсадга эришадими?
«Ойхонликлар жангда курашиб ўлдилар.
Бу хотин нима учун курашди? Уз нафси
учун ботир эрини қурбон қилди. Ҳайда-
нглар уни!» Гулдурсинга ҳатто улимни ҳам
раво курмадилар: азобини торсин.

Уша қалъа — Гулдурсин қалъаси қол-
ди Хоразмда. Бу қалъага боққанлар аёл
макри, унинг хиёнатни кишилар бошига
қандай кулфатлар келтириши мумкинли-

Бу ажиб дунё

«ИШКИМ ШАҲИД
КЕСАККА»

Германиянинг Бремен шаҳрида
яшовчи Хайнрих Вегмар баротни
олдинан мафсус хотинининг қаб-
ридан олдинан кесакка икки мил-
лион доллар бойлигини мафсус ки-
либ қолдириб ба эсиматқорни
Хайнрих Корберга кесакни айланти-
раётганини баянлаётган. Яқинда
Корбер ўзланди. Қиммат деми: эл-
жаҳонининг қатлан бўлиб қолган кесак-
ка. Энди икки миллион бойлик
Корбернинг номиди эди.

ги ҳақида ўйлайдилар.

Келинг, тожу тахт ҳавасида уз уғилла-
ри, невараларини бир-бирига қарама-қар-
ши қўйган, эри Шохрўх Мирзо улим ту-
шагида етганида, унга мадад бўлиш ур-
нига арқони давлатга Валиаҳд тайинла-
ган Гавҳаршодбегимни олайлик. У Теу-
рийлар уртасидаги қанчадан-қанча қир-
гинларга сабаб бўлди? Дунё китоблари-
да номи мангуга битилган ўзбек олими
Улугбекнинг онаси, фитналар устаси Гав-
ҳаршодбегим 80 ёшида фожия этилган фит-
наси туфайли 1457 йилда Султон Абу-
сайид Мирзо томонидан чопиб ташлана-
ди.

Аёллар фитнаси Шарқ шахзодалари-
нинг бошига битган бало бўлди. Ҳусайн
Бойқаронинг хотини Ҳадича бегим «еш
гузал, димоғдор, енгилтабиат аёл бўлиб,
айни вақтда табиатан ичи қоралик ва ма-
кр-ҳийлага мойил эди». У ҳусни-латофа-
ти, макри билан Ҳирот шохини тамоман
узиға ром қилиб олганди... У ўғли Му-
заффар Ҳусайн Мирзони ота тахтига ўтир-
гизиб учун қандай макрларга қўл урма-
ди? Ҳатто эрининг мастлигидан фойда-
ланиб уз невараси, Навойнинг доно шо-
гирди, Теурийлар авлодининг юлдузи
Мумин Мирзони қатл қилдиришгача бор-
ди-я!

Дилан афсус-надоматларга тўлдирув-
чи бундай манзаралар Ғарб ҳаёти, ада-
бий едгорликларида ҳам қўллаб ўқрайди.
Улуг инглиз драматурги Вильям Шекс-
пирнинг машҳур фожиавий асарида шох-
зода Гамлетнинг онаси қайин укаси Клав-
дий билан тил бириктириб, отасини ху-
фияна қатл қиладилар: Гертруда ҳали
эрининг тобутни изидан қийиб борган
пойабзалидан қабристон чанги кетмай,
эрининг қотилига турмушга чиқади. Бу
қотиллик бутун бир авлод — энг хушфелъ,
доно, содиқ одамлар ҳаётининг заволига
сабаб бўлади.

Рус қиролчаси Екатерина II ҳам уз
жазманлари қўли билан эри Павелни қат-
л қилдиради.

Емонлик бир ўзи келмайди. Ундан яна
узиға ухшаган ва юз чандон баттар зиён-
лар пайдо бўлаверади. Демак, яхшилик-
дан гузаллик туғилди, емонликдан —
зиён.

Оламдан ўтган ва унда яшаётган фит-
нага мойил, рақиб аёлларни санаб, улар-
нинг макру хийлаларини таснифлаш учун
бир кишининг умри камлик қилса керак.
Шунинг учун ҳам Заҳирий Самарқандий
ўзининг шох асари «Синбодномада» «Хо-
тилар макрини санадан кура денгиз
сувини пиёла билан ўлчамоқ, сахаро қу-
мини доналаб сана шосонроқ» дейди. Фор-
слар «аёл макрини минг томири бор,
ҳатто фалак ундан эҳтиёткор» деганла-
рида тулиқ ҳақ эканлар.

Бозор ИЛЁС АЛ-АМИН

Сўнги устун

БАҲАЙЛАШ ШАҲИДЛАР

Океан тубининг кучли сил-
киниши натижасида баҳайбат
тўлқинлар-цунами ҳосил бу-
лади. Цунами соатига 400-
800 километр тезлик билан
тарқалади. Шунда қирғоқда-
ги қояларга урилиб 30 метр-
гача баландлиққа кўтариллади.

СОЯ ҲАМ ҲИМОЯ ҚИЛО-
МАЙДО

Африка қитъасининг 1/3
қисмини эгаллаган Саҳрои
Кабир чулининг майдони Уз-
бекистон ҳудудидан 15 бара-
вар катта. Чўлда ҳавонинг
ҳарорати сояда 50-58 дара-
жа иссиқ бўлган ҳоллар ҳам
кузатилган.

АРИСИЗ АСАЛ

Шакарқамшининг асл вата-
ни Бенгалия бўлиб, эрамиз-
дан олдинги 327 йилда Ҳин-
дистонга юриш қилган сар-
карда Искандар Зулқарнайн
уни «арисиз асал» деб ата-
ган. Ҳозир бу ўсимлик Мар-
казий ва Жанубий Америка-
да, Африка гарбида, Осиёда
етиштирилмоқда.

ҚУШ ЭМАСА, ЛЕЖИН...

Америкалик Тимоти Рой
машҳур бўлишнинг антиқа
йўлини танлади. У 1982 йил-
нинг 4 июлида Калифорния
штатида жойлашган истиро-
ҳат боғларидан биридаги да-
рахтга чиқди-да, ундан то
1983 йилнинг 8 сентябрга
қадар тушмади.

ЭНИ ҚАҲНА ҚУРИК

Туркиянинг Измир шаҳри-
дан оқиб ўтувчи Мелес да-
реси устига мелоддан олдин-
ги 850 йилда қурилган куп-
рик бугунгача сақланиб қол-
ган. У Ер юзида мавжуд куп-
риклар ичида энг қўхнасирид.

БОШҚА ИШЛАРИ БЎЛМА-
Й...

1988 йилда Дублин шаҳри
(Ирландия) даги университет
талабалари «Бизнинг куча-
мизда ҳам байрам бўлади-
ми?» деган мавзуда баҳс
уюштиришди. Бу тортишув
роппа-роса 503 соату 45 ми-
нут давом этди.

ЮРСА ЁР ШИШРАЙДИ

Челябинск трактор заводи
томонидан ишлаб чиқарилган
«Т-800» русумли булдозер ду-
недаги энг огир трактор хи-
собланади. Деҳқоннинг оги-
рини енгил қилиш учун чиқар-
илган бу булдозер нақ 100
тонна тош босади.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Олим Бекназар
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0573 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон
Республикаси
болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун»
Халқаро хайрия
жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз боти ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
уштомаси» ассоциацияси